Шартнома 11

04. 02. 2022 йил Фаргона шахар

Икки томонлама Хужалик муносабатларни ифодаловчи Мазкур шартнома уз низоми асосида иш юритувчи "Тожихон Нихоллари" ф/х рахбари (кейинги уринларда "Сотувчи" деб аталади) номидан рахбар Б.Худ биринчи томон, ва иккинчи томон Фаргона шахар 1-сонли шифохона А. А. Рустамов номидан хамда уз низоми асосида фаолият (келгусида «Сотиб олувчи» деб аталади ) қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## 1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ.

1.1. «Харидор» куйидаги махсулотларини етказиб бериш учун буюради, «Сотувчи» эса мазкур махсулотларни етказиб бериш ишларини бажаради. Махсулотлар қуйидаги ассортиментда ёки спецификацияга асосан етказиб берилади.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ.

| | Махсулот номи | Улчов бирлиги | микдори | нархи | ккс | | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ставка | сумма | |
| | Тухум | дона | 4000 | 1200 | | | 4800000 |
| | - | - | | | | | |
| | | - | | | | | |
| | - | | | | | | |
| | ЖАМИ | | | | | | 4800000 |

Мазкур шартноманинг умумий бахоси Турт миллион саккиз юз минг сум

## III. Хисоб-китоб шартлари.

3/1/ "Харидор" товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади. Тўловнинг қолган 70 % ни махсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади.

## IV. Товар етказиб бериш муддати.

4.1. "Сотувчи" мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни_10_ куни муддат ичида "Харидор" га бериши шарт.
*(товар етказиб бериш муддати)*

## V. Товар сифати.

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб куйиш хукукига эга;

Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тугрисида билдиришнома олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.

«Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

### 6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб уз вактида махсулотни кабул килиб олиши лозим.

Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аникланганданн сунг, ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича туловлар амалга оширилишига йул куйилмайди.